O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 30-dekabr • Seshanba • 155-156 (27.961) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

ЮКСАК ПАРВОЗЛАРГА УНДАГАН ТАНЛОВ



«Истиқлол» саройида 27 декабрь куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Келажак овози — 2008» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан бу ерга мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи ғолиблари, уларнинг ота-оналари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари йиғилдилар.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, мазкур ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар ёшларнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва салоҳиятини намоён этиши, йигит-қизларга берилаётган эътиборни кенгайтириш ва кучайтириш учун янги имкониятларни сафарбар этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2-бет

✓ 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 10 декабрда қабул қилинган фармойишига биноан мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Мазкур байрам муносабати билан ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга, аҳоли, хусусан, чақириққача бўлган ёшлар ўртасида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказий офицерлар уйида ўтган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Т.Ҳамроқулов давлатимиз раҳбарининг мазкур фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳарбий қисм ва билим юртлари ҳамда ҳарбий округларнинг сержантлар тайёрлаш мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим даргоҳларида ўтказилаётган тадбирларда ёшларга Президентимиз Ислом Каримов асарлари, жумладан, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби, «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда.

Чақирув ёшидаги фуқароларга навбатдаги чақирув мавсуми билан боғлиқ янгиликлар, ҳарбийларга, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга берилаётган имтиёзлар, ҳарбий қисм ва билим юртларида яратилган шарт-шароит хусусида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда олимлар, ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида ўтказилаётган бундай учрашувлар ҳарбийларнинг маънавиятини янада бойитишга хизмат қилади.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

✓ ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

ТЎҒРИ ХУЛОСА

ва шунга монанд ҳаракат фаолият самарасини белгилайди

Бугун мамлакатимиз ўзи белгилаб олган истиқбол сари катта йўлдан олға илдамламоқда. Аммо бу жараёнда хато-камчилик, ўзибўларчиликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Мамлакатимиз раҳбари халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида бу ҳақда куюниб гапирди. Шу билан бирга, уларни бартараф этиш ҳақида амалий таклифлар айтилди.

Куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи йиғилишида Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

— Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолият кўрсатиши учун барча имкониятлар яратилган, — деди Навоий шаҳар партия кенгаши раиси Лола Собирова. — Шу билан бирга, сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Аммо депутатлар фаолиятида камчиликлар оз эмас. Буни очиқ тан олиш керак.

2-бет

❖ Қишки таътил

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ



Мустақиллик майдонида Янги йил томошалари қизғин давом этаяпти. Бу йил Эзгулик аркаси қаршисида саҳна қурилди. Унга мутаносиб равишда 25 метрлик арча тикланди, декорациялар ўрнатилди. «Янги йил саргузаштлари» деб номланган томошаларда таниқли санъаткорлар, болалар гуруҳлари, «Ўзбекнаво» хонандалари, маданият уйлари ҳаваскорлари, Ўзбек давлат цирки артистларининг чиқишлари болаларда ҳам, катталарда ҳам яхши тассурот қолдираяпти. Биз бу ерда нафақат пойтахтликларни, балки вилоятларимиздан келган кўплаб юртдошларимизни ҳам учратдик.

— Оиламиз билан Янги йил томошаларини кўриш учун Хоразм вилояти Янгиариқ туманидан атайин келдик, — дейди Матқурбон Сатторов. — Очиғи, бундай юқори савиядаги томошаларни, айниқса, таниқли санъаткорларни кўрамиз деб ҳеч ҳам ўйламаган эдик.

Янги йил байрамининг асосий қаҳрамонлари Қорбобо ва Қорқиз ҳисобланади. Бу йилги Мустақиллик майдонидаги томошаларда Қорбобо ролини Ўзбекистон халқ артистлари — Теша Мўминов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Саидкомил Умаровлар ўйнашмоқда. Қорқиз, Насриддин Афанди, эртак қаҳрамонларидан — Оловиддин, Ялмоғиз кампир каби образларни ҳам профессионал актёрлар ижро этишаяпти.

— Янги йил томошаларимиз кичкинтойларимизга жуда манзур бўлаётганидан ўзимиз ҳам хурсандмиз, — дейди Теша Мўминов. — Жажжи болажонлар қалбига оз бўлса-да, эзгулик уруғини соча олсак, биз ўз вазифамизни бажардик, деб ҳисоблаймиз.

Майдон атрофидаги махсус дўконлар хилма-хил байрам совғалари ва ширинликлар билан тўла. Байрам томошалари ҳар куни соат 12 дан кеч 19 гача давом этаяпти. Шунингдек, Миллий боғимизнинг «Наврўз» мажмуаси ва бошқа гавжум масканларда ҳам Янги йил байрам томошалари кўтаринки руҳда ўтказилаяпти.

Абдусалим МАҲМУДОВ

ҲУНАРИ БОР ҲАМ БЎЛМАС



Бухоро вилоятининг Олот туманида ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, бири-биридан гўзал ва шинам касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Жумабозордаги Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 2007-2008 ўқув йилида ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бугун мазкур ўқув даргоҳида талабаларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар сирларини ўрганиши учун барча қулайликлар яратилган.

— Бизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк иши, молия, информатика ва ахборот технологиялари ҳамда менежмент ихтисосликлари бўйича билим берилади, — дейди коллеж директори Баҳриддин Оққиев. — Бугунги кунда ўқувчиларимиз сони 520 нафарни ташкил этади. Муҳташам спорт зали, маънавият ва маърифат хонаси, ахборот-ресурс маркази, теннис корти талабалар хизматида.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 30 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	953,93
1 Англия фунт стерлинги	2190,21
1 Дания кронаси	263,09
1 БАА дирхами	379,30
1 АҚШ доллари	1393,00
1 Миср фунти	252,70
1 Исландия кронаси	11,08
1 Канада доллари	1143,02
1 Хитой юани	203,63
1 Малайзия ринггити	400,52
1 Польша злотийси	480,69
1 СДР	2150,26
1 Туркия лираси	926,20
1 Швейцария франки	1294,37
1 Евро	2050,36
10 Жанубий Корея вони	10,73
10 Япония иенаси	153,97
1 Россия рубли	48,58
1 Украина гривнаси	178,82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУГУНГИ СОНДА:

• МЕҲР
инсонни суяйди, асрайди, унутилмайди



2

• МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР
ҒАРАЗЛИ МАҚСАДЛАРГА ЭРГАШМАЙДИ 3

• ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



4

ЭЛОБОД ЯНАДА ОБОД БЎЛМОҚДА

аҳоли турмуши тобора фаровонлашмоқда

Ижтимоий ҳаёт

Нафақат Қорақалпоғистон ёки Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона бўлган Қўнғирот сода заводи раҳбарияти ишчилар шаҳарчаси — Элобод аҳлига ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда мазкур масканда 270 та оила истиқомат қилади. Меҳнатга лаёқатли 1861 нафар кишининг барчаси иш билан тўла таъминланди. Корхона маблағи кўмагида қад кўтарган 576 ўринли 6 та ётоқхона, 5 та кичик оилабоб уйлар, 8 та 18 квартирали турар жой бинолари, 320 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби, 96 ўринли болалар боғчаси, маданият саройи, даволаш-профилактика маркази, замонавий дўкон, новвойхона, ҳаммом сингари ижтимоий тизим объектлари — ҳаммаси элободликларга хизмат қилмоқда.

Корхона жамоасининг ибратли ишларидан яна бири — ҳомийлик фаолиятида намоён бўлмоқда. Ўтган йили шаҳарчадаги 52-умумтаълим мактабига 600 минг сўм, «Нуроний» жамғармасига 700 минг, республика Реабилитация марказига 500 минг сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилган эди. Бу йил эса Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги қошидаги болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ўзига 30 миллион сўмлик, «Каратэ» федерациясига 2 миллион, «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақасини ташкил этиш жараёнларига 10 миллион сўмлик маблағ ўтказилди. Яқинда умумтаълим мактаби бинолари ва спорт зали таъмирига қурилиш материаллари олиш учун яна 450 минг сўмлик ёрдам пули ажратилди. Шунингдек, 28 та ёш оилалар янги уй-жойлар билан таъминланди.

Буларгина эмас, сода заводи меҳнат жамоаси куч-ғайрати билан бугунгача тикланган барча объектларга 4,6 километр узунликда газ, 6,5 километр масофага тоза ичимлик сув тармоқлари тортилди. 5,3 километр узунликдаги ички йўллар сифатли таъмирланиб, асфальт ётқизилди, кўплаб ирригация тармоқлари қурилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилди.

Қўнғирот сода заводи жамоаси амалга ошираётган бундай ибратли ишлар аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА
КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

✓ Партиямиз фаоллари

Ким қайси касб ёки лавозимда ишламасин, эл назарига тушиши, одамларнинг олқишини олиши осон эмас. Ҳалол меҳнат, одамлар дардига дармон бўлай деб тортган машаққатлар эвазига эл-юрт ҳурматини қозониш мумкин. Бу ҳаётий ҳақиқатни Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак босиб ўтган йўл, унинг ҳаёти, фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.



МЕҲР

инсонни суяйди, асрайди, унутилмайди

Мустабид Шўро сиёсати туфайли олис Приморья ўлкасидан сургун қилинган минглаб корейс хонадонлари орасида Паклар оиласи ҳам бор эди. Қишнинг қаҳрли кунларида уларни Орол бўйидаги олис бир овулга келтиришган. На уй бор, на иш. Ўша оғир кунлар жажжи қизалоқ — Веранинг ёдида муҳрланиб қолган.

— Айтишларича, кимсасиз чўлда дунёга келган эканман. Омонат чайладан ёмғир ўтиб турган. Кўпчилик, айниқса кексалар ва болалар бундай шароитга бардош бера олмаган. Ўша оғир кунлардан бизни одамларнинг меҳр-оқибати асраб қолган, — деб эслайди Вера опа.

Одамлардан кўрилган яхшилик вақт келиб кейинги авлод вакиллари тарбиясида нурли из қолдирди. Вера опа ҳаёти, босиб ўтган йўли бунга ёрқин мисол. Опанинг педагогика соҳасини танлаши шундан. Йиллар ўтиб тақдир уни дарёнинг бошқа қирғоғи — Хоразмга олиб келди. Бу ерда бошқа миллатдошлари каби у ҳам элга қўшилди, эл бўлди. Иззат-хурмат топди...

Вера Борисовна Пак қадим Хивада аввал билимдон педагог, моҳир ташкилотчи сифатида эътибор топди. Ҳаёт чархпалагини қарангки, унинг тақдири Меҳрибонлик уйи билан боғланди. Мана, чорак асрки, у воҳадаги ягона Меҳрибонлик уйига раҳбар. Аммо, ҳеч қачон ўзининг раҳбарлигига урғу бермайди. «Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўғил-қизларга раҳбарлик эмас, ҳам ота, ҳам она бўлиш керак, — дейди Вера Борисовна. — Буйруқ-кўрсатма бериш эмас, бошларини силаш, дардларига дармон, қийинчиликларни енгиб ўтишида таянч ва суянч бўлиш даркор. Акс ҳолда, болалар меҳрини ҳеч қачон қозона олмайсан».

Тўғриси, бу ҳамманинг қўлидан келавермайди. Вера опа ишлаган даврда бу даргоҳдан мингдан ортиқ ёшлар катта ҳаётга учирма бўлди. Касб эгаллаб, оила қуриб, ўз йўлини топиб кетди. Аммо улар ўзларининг меҳрибон тарбиячисини ҳеч қачон унутмайдилар.

Баъзан икки нафар фарзанди тарбияси учун вақт топа олмаган одамларни кўриб, ҳайрон қоламан. Баҳона — кундалик ташвишлар, бўш вақтининг йўқлиги ва ҳоказо. Кейин пешонасига муштлаб, афсус чекканлар қанча. Ҳали бу — бир оилада ўсаётган, бир қориндан талашиб тушган, феъл-атвори ўхшаш болалар ташвиши. Хивадаги Меҳрибонлик уйида эса юз эллик нафар атрофида бола тарбияланади. Ҳар бирининг феъл-атвори ўзгача. Бунинг устига, кўнгли ярим. Уларнинг юрагига йўл топиш, кемтик қалбларни бут қилиш осон эмас. Ҳар бирига ҳам ота, ҳам она бўлиш қанчалик машаққатли эканини ўз бошидан кечирган одам ҳис этади.

Бир етим бошини силаш ҳаж зиёрати билан тенг дейдилар. Минг етим бошини силаган-чи? Қаҳрамонлик эмасми? Вера опага Юртбошимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони берилгани меҳнатнинг қадр топишидир. Опанинг ҳар бир мурғак қалбни забт этиш, сўнган умидини тиклаш, катта ҳаётга тайёрлаш борасидаги заҳматлари ҳақида ёзсак, катта бир достон бўлади. Шунингдек, унинг сиёсий фаолияти ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Опа партиямизнинг фаоли, фаол бўлганда ҳам фидойи, жонкуяр. Туман, вилоят миқёсидаги тадбирларда шунчаки қатнашмайди. Кўтарилаётган мавзу юзасидан албатта тайёргарлик кўради, фикр айтиб, муаммо ечими юзасидан амалий таклиф билан чиқади. Партиядошларни мамлакатимиздаги сиёсий жараёнда фаол қатнашиш, ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлишга даъват этади.

— Опа, мана, неча чақириқдан буён халқ депутатлари туман Кенгаши депутати. У сайловчилар ишончини оқлаб келаяпти, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт ишлари қўмитаси аъзоси. Шу билан бирга Вера Пак Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси сифатида вилоят ва туман партия ташкилотларига яқиндан кўмак бермоқда, ёш партия аъзоларини тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Унинг фаолияти партиямиз сафини тўлдираётган ёшларга том маънода ибратдир. Шундай ташаббускор, жонкуяр, умрини энг савобли, энг масъулиятли ишга бағишлаган аъзолари бор партиянинг дастурий мақсадлари самарали амалга ошиши шубҳасиз.

Ушбу мақолани касб ҳақидаги фикрлар билан бошлагандик. Касбнинг, ҳунарнинг тури кўп. Аммо меҳрибонликни касбга, умр мазмунига айлантирган инсонлар саноқли. Шуларнинг бири, шуларнинг устози бизнинг Вера опамиздир.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОБОДЛИК ВА ТЎКИНЛИК МАСКАНЛАРИ

Мамлакатимиз раҳбари томонидан кириб келаётган янги 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши кенг жамоатчиликни ғоят руҳлантириб юборди. Бугун даладаги деҳқон ҳам, дастгоҳ тепасида турган ишчи ҳам, улкан иморатлар пойдеворини қўяётган қурувчи ҳам, аудиториядаги педагог дейсизми, одамлар саломатлиги учун қайғураётган шифокор дейсизми — барчаси Президентимиз маърузасини мушоҳада этмоқда.

Шахсан мен маърузани эшитар эканман, аввало, аввалод-аждодларимизни кўз олдимга келтирдим. Шак-шубҳасиз, ҳар биримизнинг илдизимиз, томиримиз қишлоққа бориб тақалади. Қишлоқ аслида ҳам инсониятнинг бешиги бўлганлиги аниқ. Одамзод ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланиб, қишлоқлар пайдо бўлган. Қишлоқлар эса ривожланиб роботларга, кентларга, шаҳарларга айланган. Аҳолининг маданий савияси ўсиб борган. Анъаналаримиз, қадриятларимиз, халқимизнинг минг йилликларга тенг урф-одатлари ҳозир ҳам қишлоқларимизда сақланиб келмоқда. Зеро, улар ривожланишни азалдан белгилаб берган масканлардир. Қайси ривожланган мамлакатни олманг, барчасида қишлоқларда фуқаролар учун яратилган шарт-шароитлар, у ерда ташкил этилган инфратузилмалар шаҳарлар тўкинлигига, ривожига таъсир ўтказиб келган.

Мамлакатимизда Мустақиллик йиллари туб ислоҳотлар даври бўлди. Шаҳарларимиз, кентларимиз таниб бўлмас даражада чирой очди. Қадим ва навқирон пойтахтимиз — Тошкент чет эллик меҳмонлар ҳайратига сазовор бўлмоқда. Замонавий шаҳарсозлик услублари уйғунлашган тарихий шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзнинг қадимий ёдгорликлари жаҳон нигоҳида турибди.

Тарих гувоҳлик беради, барча замонларда қишлоқ ва шаҳар доим узвий алоқада бўлган. Товар айирбошлаш жараёни нафақат мулкий муносабатлар, балки ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳам шаҳар ва қишлоқнинг мутаносиб тарзда ривожланишига замин яратган. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда қишлоққа эътибор фақат бугун қаратилаётгани йўқ. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқларимизни ривожлантириш, ислоҳотларни амалга ошириш, мулк муносабатларини бозор иқтисодиёти асосларида шакллантириш, қишлоқ инфратузилмасини ташкил этиш борасидаги кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда қонунлар қабул қилиниб, дастурлар ишлаб чиқилди.

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, **«халқимизнинг ризқи рўзи, насибаси аввало далаларимизда заҳматкаш деҳқонларимиз томонидан етиштирилади-ган маҳсулотлар, озиқ-овқат ва нозу-неъматлар билан ўлчанади»**, Жўнгина айтганда, қишлоқ аҳолиси — деҳқонлар, чорвадорлар, соҳибкорлар халқимизни боқади. Шу боиски, юртимизнинг обод, фаровон бўлиши, шубҳасиз, қишлоқлар тақдири ва келажаги билан боғлиқдир.

Яқин кунлар ичида қабул қилинадиган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурида улардаги инфратузилманинг барча қирралари кенг қамраб олинади, албатта. Шунинг билан бирга, замон талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг манфаатларини тўла қамраб олишга қаратилган ҳуқуқий базани юқори савияга кўтариш мақсадида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам қайта кўриб чиқилиши аниқ. Бунда ер ва сув ресурсларини тасарруф қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, моддий-техник базалар, суғориш тизимларидан унумли фойдаланиш, мулкий муносабатлар, уларни самарали ишлатиш муаммолари муҳим ўрин тутади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан деҳқонга меҳнат қилиш, мўл ҳосил етиштириш имкониятларини яхшилаш барчанинг вазифаси бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини кучайтириш масалаларига бўлган эътибор ҳар қачонгидан кучаяди. Жойларда энергия ресурслари таъминоти борасида ноанъанавий энергия турларидан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича лойиҳавий ечимлар қабул қилиниб, кичик гидроэлектр станциялар қуриш ва фойдаланиш имкониятлари кенгаяди. Ушбу йўналишлар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш муаммосининг ечимини топишда ва бандлик даражасини оширишда ҳам қўл келиши шубҳасиз.

Биласиз, бугун қишлоқларда саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳаларни ривожлантириш — малакали мутахассисларга бўлган талабнинг беками-кўст қондирилишини тақозо этади. Шу сабабдан ҳам дастурда таълим муассасалари моддий-техника базасига алоҳида эътибор қаратилади.

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши барчамизда мамнунлик ҳисси уйғотиш билан бирга, олдимизга масъулиятли вазифалар ҳам қўяди. Зеро, юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш — ҳаммамизнинг ишимиз, ҳаммамизнинг бурчимиз. Қишлоқ — ободлик, тўкинлик, фаровонлик манбаи.

Муродулла НОРМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси

ТЎҒРИ ХУЛОСА

ва шунга монанд ҳаракат фаолият самарасини белгилайди

— Мен Халқ демократик партиясидан депутат этиб сайланганман, — дейди Турсун Саматов. — Фаолиятимиз суст, амалий ишларимиз жуда оз. Баъзан минглаб одамлар бизга ишониб овоз берганини унутиб қўямиз. Президентимиз бизни тўғри танқид қилди. Депутатларга таъсир ўтказиш механизмлари ҳақида ўйлаб кўриш керак. Масъулиятсизлик билан ишлаётган депутатлар ўрнига сиёсий жиҳатдан етук, дунёқараши кенг, халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган ғайрат-шижоатли ёшларни сайлаш лозим деб ўйлайман. Депутатликни мартаба деб билган, халқ ишончини оқламаган одам оловқалб ёшларга йўл бергани маъқул. Ижтимоий-сиёсий жараёнда депутат фаоллигини ошириш зарур.

Ўз-ўзини танқид асосида ўтган йиғилишда депутатлик гуруҳининг иш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий фикрлар билдирилди. Шундан келиб чиқиб, 2009 йилда гуруҳ томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси тузилди. Бунда ҳар бир депутат ўзининг йиллик иш режасини ишлаб чиқиши ва гуруҳ йиғилишида тасдиқлаб олиши, минтақага тегишли дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиши ва ҳар чоракда ҳисоб бериб бориши белгилаб олинди.

Сўзга чиққан депутатлар танқидий фикрлар, таклиф ва мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб олиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш юзасидан ташаббус кўрсатиб, эл-улус ишончини оқлаш зарурлигини таъкидлашди.

Фирдавс ШИРИНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)



ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Тошкент Ислом университетида талаба-ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати бошлиғи С.Ортиқова, «Ватан» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Б.Азизхожиев, университет ректори Р.Абдуллаев ҳамда профессор-ўқитувчилар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари, шунингдек, Конституциямиз, унинг мамлакатимиз ҳаёти ва қонунчилигда тутган ўрни, ҳар бир фуқаро тақдиридаги аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Музокарада ҳар биримизнинг ҳуқуқ ва бурчимиз, миллий ғоямизга ёт қарашлар, халқаро терроризм ва диний экстремизм, унга қарши кураш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бухоро шаҳар партия кенгаши бир гуруҳ кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларда тарбияланаётган болалар учун Янги йил байрам дастури уюштирди.

Безатилган Янги йил арчаси атрофида қувнаб-яйраган болаларга Қорбобо ва Қорқиз байрам совғалари улашди.

Урганч туман партия кенгаши ташаббуси билан Саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида учрашув бўлиб ўтди. «Инсон эркинлиги, озодлиги ҳар нарсадан улуғ» мавзуидаги бу тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров ёш авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида гапирди. Шунингдек, у фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакат қонунчилигидаги янгиликлар, жумладан, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

Термиз шаҳар партия кенгаши «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси вилоят шўъба корхонаси жамоаси билан учрашув ўтказди. Шаҳар партия кенгаши раиси Асқар Ғойипов қуйи ташкилотлар олиб бораётган амалий ишлар, депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳақида маълумот берди.

Ўзаро савол-жавоб, фикр алмашув асносида партия ғояларини халққа етказишда матбуотнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бу эзгу ишда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ матбуотимиз фидойилари фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ЎзХДП МК Матбот хизмати

❖ Тадбир

ИЖОДКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Самарқанддаги Сиёб тиббиёт коллежида таҳсил олаётган 2717 нафар талабанинг аксарияти адабиёт, шеъриятга қизиқади. Бу — табиий, албатта. Чунки тиббиёт ходими беморга аввало ширин сўзи билан шифо беради. Шу боис коллежда ҳар ойда таниқли ижодкорлар билан учрашув ўтказиб туриш анъанага айланган.

Коллежда навбатдаги шундай учрашув ЎзХДПдан сайланган вилоят Кенгаши депутати, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, шоир ва журналист Фармон Тошев билан бўлди. Таниқли ижодкор мустақилликнинг мазмун-моҳияти, маънавият-маърифат соҳасидаги ютуқларимиз, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашув мушоира билан якунланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЮКСАК ПАРВОЗЛАРГА УНДАГАН ТАНЛОВ

Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизларни бирлаштирган ушбу танловда бу йил ҳар қачонгидан кўп — салкам эллик беш минг нафарга яқин иқтидор эгаси қатнашди. Бу эса танловнинг нуфузи ва мавқеи юртимиз ёшлари ўртасида тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Танлов ғолибларининг ўз йўналиши бўйича олий таълим даргоҳларига имтиёзли тарзда қабул қилинаётгани, ўз лойиҳаларини амалга ошириш имконига эга бўлаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ижодий беллашув соврин-дорларининг республика ва халқаро миқёсдаги турли фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар, дизайн ва мода ҳафталикларида муваффақият қозонаётгани, кўрикда юқори баҳоланган илмий-техник, инновацион лойиҳалар юртимиз ва хорижда ҳам эътироф этилаётгани диққатга сазовордир.

Бир ҳафта давомида камолот, заковат, билим ва тафаккур байрамига айланган «Келажак овози — 2008» кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этган қарийб олти юз нафар йигит-қиз тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод, ахборот ва коммуникация технологиялари, архитектура ва дизайн, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, спорт каби йўналишларда ўз билим ва маҳоратини намойиш этдилар.

Танлов доирасида ёшлар учун илмий анжуманлар, семинарлар, жонли мулоқотлар, мода намойишлари, адабий-бадиий учрашувлар, мушоиралар, кўргазмалар, концертлар, маҳорат сабоқлари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди.

Дилхушбек Ёқубов — Андижон давлат тиббиёт институти талабаси. У танловда «Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналишида мураккаб жарроҳлик хасталикларини даволашнинг самарали усулларига оид лойиҳаси билан қатнашди.

— Мамлакатимизда ёшлар камолотига бўлган эътиборни ҳар биримиз ўқишимиз, изланишимиз, илмий фаолиятимизда астойдил ҳис этиб яшаяпмиз, — дейди Д.Ёқубов. — «Келажак овози» танловида ана шу ғамхўрликнинг миқёси, кўлами, мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етдик.

Ўн олти ёшли Моҳинур Муродова Сурхондарёнинг Узун туманидан. У Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи ўқувчиси сифатида танловнинг «Архитектура ва дизайн йўналиши учун «Миллий истироҳат боғларининг меъморий ечими» мавзуидаги лойиҳаси билан иштирок этди.

— Мен танловда ўз изланишларим йўналишида жуда кўплаб янги фикр ва ғояларни ўргандим, — дейди Моҳинур. — Турли жабҳаларда фаол иш юритаётган тенгдошларим билан танишдим. Буларнинг бари ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг самараларидир.

Рашид Бурнашев Фарғона давлат университетида ўқийди. Танловнинг «Спорт» йўналишида қатнашган бу йигит енгил атлетика бўйича халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этган. 2006, 2007 йилларда Ўзбекистон чемпиони бўлган.

— Ушбу танлов мамлакатимизда ёшлар ўз ғайрати, шижоати, интилиши билан кўзлаган барча юксак чўққиларга эришиши мумкинлигини яна бир бор тасдиқлади, — дейди Р.Бурнашев.

Тадбирда «Келажак овози — 2008» республика кўрик-танлови ғолибларига дипломлар тантанали тарзда топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Аъло АБДДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Наманган шаҳридаги

«АСНАМ ТЕКСТИЛ»

қўшма корхонаси кредиторлари диққатига!

«Аснам-Текстил» қўшма корхонаси Наманган вилоят хўжалик судининг 2008 йил 5 декабрдаги № 16-0506-3228 сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланди. Бу ҳақида матбуотда эълон берилган.

Банкрот корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2008 йил 29 декабрь (душанба) куни соат 14.00да Наманган вилояти Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорларликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартибига 8 та масала киритилган бўлиб, улар юзасидан тугатиш бошқарувчисига (8-369) 224-09-68, 233-03-79, 214-65-04 телефонлари орқали мурожаат қилиб қўшимча маълумот олишингиз мумкин.

Йиғилишга кредиторлар тегишли ишончнома ҳамда солиштирма далолатнома билан қатнашиши сўралади.

Йиғилишга келган кредиторлар 2008 йил 29 декабрь куни соат 13.30 дан бошлаб Монополия бошқармаси биноси, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-уйда рўйхатдан ўтказилади.

✓ Қарор ва ижро

ЮРТ РАВНАҚИ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар барча соҳаларда ўз самарасини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос ижобий ўзгаришлар бўлаётганига барчамиз гувоҳмиз. Жаҳон миқёсида иқтисодий инқироз юз бераётган айни пайтда ҳам юртимизнинг реал иқтисодий кўрсаткичларида ўсиш давом этаётгани, аҳоли даромадларининг мунтазам ошиб бораётгани танлаган йўлимиз тўғри эканлигини яна бир бор исботлади. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикамиз аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашда катта аҳамият касб этди. Мазкур Фармон асосида давлат солиқ тизимида ҳам бир қанча ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва унинг ижросига қаратилган қарорида белгилаб берилганидек, турли товарлар ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб 5 йил муддатга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов солиғидан озод этилди. Шунингдек, бирор корхона томонидан буюртмаларни бажариш учун касаначиларга текинга фойдаланишга берилган асбоб-ускуна ва жиҳозлар учун фойдаланиш даврида мулк солиғи олинмайдиган бўлди.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бу каби имтиёзларни аҳолига мунтазам равишда тушунтириб бориш ҳамда фаолиятимиз давомида белгиланган тартиб-интизомга қатъий амал қилинаётгани қасаначилик ривожи, унинг иқтисодиётдаги улуши ортиши аҳоли реал даромадлари юксалишига ўзига хос таъсир этмоқда. Биргина мисол, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида 10 та корхона касаначилари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 58331,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Касаначиларга ҳисобланган иш ҳақидан берилган ижтимоий тўлов бўйича имтиёз 15806,9 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилги кўрсаткичлар билан таққосланганда, 57 фоизга кўп демакдир. Тошкент шаҳри бўйича 2649 нафар шахснинг касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдиргани, 1 октябрь ҳолатига 108 та корхона билан бу борада шартномалар тузилгани ҳам қилинаётган ишлар самарасини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги Фармон юртимизда имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳам кенг имконият яратди. Масалан, Ўзбекистон карлар жамиятига қарашли Тошкент 1-ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлари доимий иш билан таъминланди, яъни улар моддий ва маънавий томондан ҳимояланди. Корхонадаги 30 нафардан зиёд касаначи йил давомида 110 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бу борадаги ишларни янги йилда ҳам изчил давом эттирамиз, албатта. Мақсадимиз — халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,
Тошкент шаҳар ДСИ юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи муовини.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР

ҒАРАЗЛИ МАҚСАДЛАРГА ЭРГАШМАЙДИ

Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Юртимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этиши бунинг тасдигидир. Шу боис ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, хуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши туриш кўникмаларини шакллантириш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёшлар бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Мамлакатимиз ёшлари орасида талабалар салмоқли ўринни эгаллайди. Уларнинг таълим-тарбияси, турмуши, дунёқараши мамлакатимиз келажаги учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бугунги талаба эртанги кун зиёлисидир. Шу боис мамлакатимизда уларнинг пухта таълим-тарбия олиши, яшаши учун қулай шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Талабалар маънавиятини юксалтириш, билимини, дунёқарашини мустаҳкамлаш, уларда жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш долзарб масаладир. Чунки, жамиятимиз тинчлиги, осойишталигига, мамлакатимиз тараққиётига раҳна солмоқчи бўладиган ёвуз кучлар кўп ҳолларда талабаёшларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилади. Шу боис мамлакатимизда йигит-қизларнинг ғаразли гуруҳларга қўшилиб қолишининг олдини олиш, бундай ғараз ниятли кучларга қарши курашиш борасида изчил ишлар олиб борилаётир.

2008 йилнинг 2-20 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг салбий оқибатлари ҳамда уларга қарши курашиш мавзуида ўтказилган туркум семинар машғулотлари ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Уларда талабалар, профессор-ўқитувчилар, маънавият ва маърифат соҳаси масъуллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари иштирок этди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент Ислом университети, Тошкент Халқаро Вестминстр университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакилларидан иборат исломшунос, диншунос олимлар ва уламоларнинг маърузалари тингланди, ёшларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 15 мингдан зиёд талаба-ёшлар қамраб олинган семинарларда ёшларни мамлакатимиз ва минтақамизда кечаётган айрим жараёнлар ҳақида хабардор қилиш, уларда огоҳлик ва сергаклик, эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш масалалари хусусида фикр юритилди.

Ёшларнинг дунёда кечаётган глобал жараёнларда турли миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари, диний мутаассиблик ва экстремизм муаммолари кучаяётгани, уларнинг халқаро омиллари, асл мақсади, Ўзбекистонга таъсирига оид тушунчалари янада кенгайди.

Тадбирлар давомида намойиш этилган «Жаҳолат чангалида» ва «Диний ақидапарастлик — жаҳолат манбаи» номли ҳужжатли фильмлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Талабалар ўтказилган семинар машғулотлари уларга дин номидан гапирувчи айрим кимсалар, айниқса, миссионерлик, прозелитизм, диний мутаассиблик оқимларининг асл мақсад-моҳиятини англаб етишида самарали ёрдам бўлганлигини таъкидладилар. Зеро, бирорта ҳам дин инсонни ёмонлик, зўравонлик ва зулмга ундамайди.

М.Муҳиддинов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:

— Динлар аслида инсонни покликка, эзгуликка, яхшиликка бошлайди. Дин номидан гапириб, бузғунчилик ва зўравонлик ишларини амалга оширувчиларнинг мақсади бойлик орттириш, айрим ёвуз кучларга хизмат қилиш эканини биз, ёшлар теран англаб етмоғимиз лозим. Бундай ёвуз кучлар вакиллари асосан ёшларни чалғитишга уринаётгани барчамиздан ҳар доим ҳушёрликни талаб қилади.

Ҳ.Султонова, Гулистон давлат университети талабаси:

— Юксак маънавиятли инсон ҳеч қандай ёвуч кучнинг гирдобига тушиб қолмайди. Шунинг учун бузғунчи кучлар ўз сафига кўпроқ иродаси бўш, тажрибаси камроқ ёшларни тортишга ҳаракат қилади. Афсуски, айрим тенгдошларимиз дин номидан иш тутувчи жоҳил ва бузғунчи кимсалар ваъдасига, алдовига учмоқда. Шу боис бундай кучларнинг ёвуз мақсадини аввало ўзимиз тушуниб олишимиз, бошқаларни ҳам бундан огоҳ этишимиз лозим. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бу ҳақда батафсил айтилган. Мазкур китоб бу борада биз учун муҳим дастуриламалдир.

М.Мустафоева, Самарқанд давлат университети талабаси:

— Орамизда айрим ёшларнинг диний таълимотларнинг асл маъносини тушунмай, турли ёт ва адашган гуруҳлар таъсирига тушиб қолаётганини кўриб ачинаман. Миссионерлик ва диний ақидапарастлик ғояларини тарқатувчилар ҳам, улар таъсирига тушаётганлар ҳам диннинг асл моҳиятини тушунмайдиган, ўзлигини танимаган, чин инсоний туйғулардан йироқ кимсалардир. Семинар машғулотларида тингланган маърузалар ва ўтказилган бахс-мунозаралар асносида яна бир бор амин бўлдимки, дин, хусусан, муқаддас ислом динимиз аслида эзгулик ва яхшилик уруғини сочишга, инсон қалбига энг яхши фазилатларни сингдиришга қаратилган.

Т.Муқимов, Жиззах давлат педагогика институти талабаси:

— Миссионерлик асосан пул, моддий манфаат топиш учун айрим кимсалар томонидан уюштирилиб, бу ғаразли мақсад йўлида етарлича ҳаётий тажриба ва билимга эга бўлмаган ёшлардан фойдаланишга уриниш эканлигини англаб етдим. Бундай кирдикорларнинг барчаси пуч даъватлар эвазига бировларнинг динини, эътиқодини ўзгартиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Ота-боболаримиз ислом динига эътиқод қилиб келган, диёримиздан етишиб чиққан машҳур алломаларнинг асарлари дунё миқёсида ўрганилмоқда. Шундай улуғ инсонлар авлоди бўла туриб, динни ниқоб қилиб олган бетайин кимсаларнинг ёлғон гапларига учаётган, ўз эътиқодидан кечаётган айрим ёшларимиз буни чуқур англаб етмоғи лозим.

С.Ёдгорова, Бухоро давлат университети талабаси:

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан юртимиз ёшларининг барча йўналишларда, жумладан, диний соҳада ҳам таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланмасдан, айрим кимсаларнинг ғаразли мақсадда берган чойчақасига, ёлғон ваъдаларига учаётган ёшлар учраб турганига сабаб — уларда дин ҳақидаги аниқ тушунчанинг йўқлиги, имон-эътиқоднинг тўғри шаклланмаганлигидир. Ўтказилган машғулотлар давомида диндан ғаразли мақсадларда фойдаланишнинг сабаб ва оқибатлари, динни ниқоб қилиб олувчи айрим кучларнинг ёвуз мақсадлари ҳақидаги тушунчаларимиз янада кенгайди. Амин бўлдикки, бундай кучларнинг асл мақсади фарзандни ота-онасига, ака-укасига, фуқаролни давлатга қарши қўйишдан, жамиятимизда мустаҳкам қарор топган аҳиллик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳитига раҳна солишдан иборатдир.

Бундай ёвуз кучларга — жаҳолатга қарши Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб берган усул — маърифат билан курашиш юксак самаралар беради. Бу эса талабалар, барча ёшларимиз қанчалик маърифатли ва билимли, Ватанимизга, эзгуликлолимизга ғояларига садоқатли бўлса, уларнинг эътиқод қўрғони шунчалик мустаҳкам бўлади. Ўзини, ўзлигини таниган инсонни ҳеч қандай ғаразли куч тўғри йўлидан чалғита олмайди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири.

ХОРИЖДА

ҚОЧОҚЛАР ҚИСМАТИ

Бангладешдан Малайзияга бориш учун йўлга чиққан 300 нафар норасмий мигрантлар Ҳиндистонга тегишли Андаман оролларида ҳалок бўлишди, деб хабар беради Reuters агентлиги. Мамлакат соҳил қўриқчилари маълумотларига кўра, улар Андаман оролларига сузиб ўтишга уринишган.



Соҳил қўриқчилари Андаман ороллари пойтахтига яқин жойда топилган қайиқда 88 нафар кишини қутқариб олишга муваффақ бўлганлар. Яна 11 нафар мигрант Сэнди-Пойнт ороли яқинида соҳил қўриқчилари кемаси томонидан қутқарилган.

Мигрантларнинг ўзлари айтишича, 45 кун олдин 400 нафардан зиёд киши олтита моторли қайиқда Бангладешдан Малайзияга йўл олган. Қайиқларнинг ҳаракат йўналиши аниқ ҳисобга олинмай, тўхтаб ўтиладиган бекатларда алмаштирилган. Андаман ороллари яқинида қочоқлар очиқ денгизда ичимлик суви тугаган ҳолда 15 кун қолиб кетган. «Узоқдан маёқни кўришимиз билан кўпчилигимиз қуруқликка сузиб боришга қарор қилдик...», — деди қутқарилган мигрантлардан бири.

Соҳил муҳофазаси вакилларининг айтишича, бедарак кетганларнинг тирик эканига умид йўқ, лекин қидирув-қутқарув жараёнлари давом этмоқда.

ИШ ЎРНИ ҚИСҚАРАДИ

АҚШнинг CNBC телекомпанияси юздан зиёд иш ўрнини қисқартиради. Бу ҳақда «Нью-Йорк Пост» газетаси хабар берди. Директорлар кенгаши раиси Жефф Сукернинг сўзларига кўра, компания шу орқали харажатлар миқдорини беш юз миллион АҚШ долларига камайтирган. Телекомпания лойиҳалар сонини ҳам қисқартириш ниятида. Бекор қилинадиган кўрсатувлар номи ҳозирча номаълум.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат
«ХАЛҚ БАНКИ»
давлат-тижорат халқ банки
STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK
BANK

мамлакатимиз фуқароларини
яқинлашиб келаётган
Янги 2009 йил —
Қишлоқ тараққиёти ва
фаровонлиги йили
билан самимий муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-
хотиржамлик, дастурхонингизни
қут-барака, қалбингизни қувонч
ҳеч қачон тарк этмасин!

«Халқ банки» 2009 йилда
ўз мижозларига
кўрсатилаётган хизмат турлари
кўламини кенгайтирган ҳолда
хўжалик юритувчи субъектларни,
айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлик
субъектларининг инвестицион йўналишдаги
лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб,
уларга:

❖ ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш
ҳамда қайта ишлаш билан
шуғулланишлари учун минитехнология ва
ихчам ускуналарни харид қилиб, ишга
туширишда мўлиявий ҳамкор бўлади;

❖ республикамизда ишлаб чиқарилаётган
экспортбоб маҳсулотларни янада кўпайтириш мақсадида
ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик
жиҳатдан модернизациялашда яқиндан кўмаклашади;

❖ аҳолига янада кўпроқ қулайликлар яратиш
мақсадида вилоят ва туман
марказларидан олис жойлардаги
қишлоқларда сервис хизматини
ривожлантиришга ҳамда
янги иш ўринларини яратишга
йўналтирилган
лойиҳаларни
молиялаштиради.

ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШИНГ!

Хизматлар лицензияланган

✓ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ҚУВОНЧЛИ ВА УНУТИЛМАС

воқеа бўлди, дейишди фуқаролик паспортини тантанали равишда олган ёшлар



Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

Янги йил арафасида ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти шаҳар ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда 16 ёшга тўлган йигит-қизларга фуқаролик паспортини тантанали топшириш тадбирини ўтказди. Маросим шаҳардаги 10-Меҳрибонлик уйида бўлиб, янги йил шодиёнасига уланиб кетди. Ҳозирги вақтда бу ерда турли миллат вакилларидан иборат 100 нафардан зиёд йигит-қиз тарбияланмоқда.

Тантанада сўзга чиққанлар, республикамизда ёшларга берилаётган эътибор, фуқаролик бурчи ва масъулияти ҳақида фикр юритишди. Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи Шерзод Ҳалимовнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 25,933 нафар кишига фуқаролик паспорти берилган. Шунинг 7 минг 648 нафарини 16 ёшли йигит-қизлар ташкил этади. Шунингдек, бўлим томонидан 100 га яқин маҳаллада ана шундай тантаналар ташкил этилиб, паспортлар топширилган.

Тантанада фуқаролик паспортини олган йигит-қизлар «Ёшлар йилида фуқаролик паспортини олганимиз бир умр ёдимизда қолади», дея таъкидладилар. Шундан сўнг, Меҳрибонлик уйининг «Бинафша» бадиий ҳаваскорлик жамоаси концерт дастурини намойиш этди. Шундай тадбир шаҳардаги Мурувват уйида ҳам бўлиб ўтди.

Абдували ХУДОЁРОВ

Спорт

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Анъанага кўра, «Спорт» газетаси таҳририяти спорт журналистлари ўртасида сўров ўтказиб, йилнинг энг яхши спортчиси, мураббийи, жамоаси, ҳомийи ва фидойиси номинациялари бўйича совриндорларни аниқлаган эди (уларнинг рўйхати газетамизнинг ўтган сонида берилган). Куни кеча пойтахтимиздаги «Si» ресторанида энг яхшиларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбирда энг фаол спорт журналистларининг бир гуруҳига ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.



Байрамона руҳда ўтган тадбирда сўзга чиққан спортчи, мураббий, мутахассис ва ҳомийлар Президентимизнинг спортни ривожлантиришга кўрсатаётган катта ғамхўрлиги туфайли халқаро майдонларда оламшумул ютуқларга эришилаётганини алоҳида таъкидлашди.

— Мамлакатимизда спортчилар учун яратилаётган шароитлардан ғоят миннатдормиз, — деди Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори, «Йилнинг энг яхши спортчиси» номинацияси бўйича ғолиб Абдулла Тангриев. — Биз бундан кейинги мусобақаларда ҳам Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлашга бор кучимизни сарфлаймиз. Ўзим бўлажак Лондон олимпиадасида, Худо хоҳласа, совриндорлар қаторидан жой олишга ҳаракат қиламан.

— Юртимизда спортни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган кўпчилик ҳомийлар қаторида бизнинг ҳам камтарона улушимиз борлигидан фахрланамиз, — деди «Олимжон Акбаров» спорт клуби раҳбари, «Энг яхши спорт фидойиси» номинацияси бўйича ғолиб Мирмуҳсин Акбаров. — Биз янги йилда ҳам спортчиларимизга, спорт жамоатчилигимизга, барча юртдошларимизга улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Самимий тилакларга дилрабо куй-қўшиқлар уланиб, тадбир ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ «ҚАМАШИ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОҲЖ

2009 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қашқадарё вилояти, «Қамаши пахта тозалаш» заводини модернизация қилиш.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 1.910.500.000 сўм. Қурилиш муддати — 153 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, «Қамаши пахта тозалаш» ОҲЖ.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — «Қамаши пахта тозалаш» ОҲЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 224-05-24.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига эълонлар қабул қилинади.

Тел.: 233-38-55; 233-47-80

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объект бўйича қайтадан танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Жиззах вилоятининг 2009 йил Манзилли дастурига киритилган умумтаълим мактаби: «Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Қипчоқсув ҚФЙ, Хитаюз қишлоғидаги 210 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш»

Қурилиш ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 1 августгача.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Мактаб таълими жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.

Тел/факс: (8-372) 222-31-59, 222-30-11.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425 ва 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda